


ТУРА СУЛАЙМОН

ЦСТАР

КЎНЗЧЛ

ШЕЪРАР



Ўрсея Давлат  
бадиий адабиёт  
нашриёти  
ТОШКЕНТ-1962



Халқ ижодиёти ўз ичига ажойиб дурдоналарни қамраган туганмас хазина. Халқ яратган куй ҳам, қўшиқ ҳам, дoston ҳам тилдан тилга ўтиб ёқимли жангланглайди.

Еш шоир Тўра Сулаймон ана шу бойлик билан яқиндан ганиш. У халқ термаларини тўплаб, уларга ўзидан сайқал бериб, анчадан бери машқ қилиб юрибди. Буни ушбу тўпламидаги шеърий сатрларда ҳам кўриш мумкин.

Сулаймон Т.

Истар кўнгил. Шеърлар. Т., Ўзадабийнашр,  
1962.

56 бет.

Сулайманов Т. Желание сердца.

---

Қушқ

42лаб...

---





## Т О Ш К Е Н Т

Эрбаҳани минг бир дардга даво дерлар,  
Куй сараси асли савти наво дерлар.  
Бу шаҳарнинг мадҳин баён этар бўлсанг,  
Чоллар бошин қуйи солиб, «ҳавво» дерлар.

Қўхна номи билан машҳур Шош шаҳардир,  
Букун ўзбек эли ичра бош шаҳардир.  
Урнида бор ўйноқлар деб айтмаганми?—  
Октябрда камол топган ёш шаҳардир.

Кексалари юзга кириб ҳам қаримас,  
Қизларини кўриб ким дер:— Бу паримас?  
Дўст-ёронлар айтар:— Тошкент Қуёш шаҳри,  
Осмонидан сахий офтоб ҳеч аримас.

Гулзори бор, булоғи бор, тоғи бор,  
Меҳмон келса меҳмондўстлик қучоғи бор.  
Қанот боғлаб кўкка парвоз қилай деса,  
Ленин номли ТошДУ — илм ўчоғи бор.

Меҳмон келса дарвозаси доим очиқ,  
Қўл кўкракда, мезбон чиқар қўлда сочиқ.  
Бу шаҳарни нон шаҳри деб, шон шаҳри деб  
Эшитганлар бир кўрмакка хумор, ошиқ.

Сўз ифода қилиб бўлмас санъати бор,  
Мукаррамдай ажиб моҳи талъати бор.  
Сайил бўлса не азамат эрларининг  
Полвон билан олишгулик журъати бор.

«Волга», «ЗИМ»лар юриб турган кенг кўчалар,  
Мақтови ҳам бир дostonга тенг кўчалар.  
Кеч кирганда боғи-роғи, Анҳор бўйлаб,  
Фароғатда сайр қилар бир нечалар.

Бизга Ленин тамал тошин қўйиб берди,  
Кулбамизга нурдан чироқ ёқиб берди.  
Партиямиз ўзбек халқин кўкрагига  
Қаҳрамонлик қўш орденин тақиб берди.

### ҚҰШИҚ ИЗЛАБ...

Қўшиқ излаб Янгиернинг қучоғида кезаман,  
Баҳра олиб шамолидан руҳим енгил сезаман,  
Қўҳлигига суқим кетиб таърифини ёзаман:

Янги тушган келинчакдай губори йўқ шаҳар — бу,  
Тўқилажак қўшиқларга антиқа куй, оҳар — бу.

Қатра сузи кўзларимга кўзгу бўлиб кўринди,  
Малоҳатга бой қизлари эзгу бўлиб кўринди.

Пар-пар ёнган электр Ленин номи биландир,  
Мирза шаҳар бўлсин деган сўз — каломи биландир,  
Келажакни кўрар кўзи зўр инъоми биландир.

Кўрки буюк қардошликнинг заковати биландир,  
Пешона тер меҳнатимиз шарофати биландир.

Зовурлари тоғда оққан жилга бўлиб кўринди,  
Тонг юлдузи канорида сирға бўлиб кўринди.

Одимловчи полвонлари<sup>1</sup> кўз-кўз қилиб хартумин,  
Чўкка тушиб канал қазир бериб саҳро таъзирин,  
Очаяпти тиним билмай асрий даштнинг тилсимин.

---

<sup>1</sup> Экскаваторлар.

Соҳибининг исмин сўрдим — Бектемир деб атади..  
Шундан бери шу шунқорга ихлос, меҳрим ортади.

Сизот суви сой сувидан тиниқ бўлиб кўринди.  
Марзалари гул, лолага тўлиқ бўлиб кўринди.

Бий далада барпо бўлган боғу бўстон — мангулик.  
Қурилиш зўр! Бурилиш зўр! Ҳар қадамда янгилик..  
Мармар, асфальт йўлларини тахтиравон дегулик.

«Эл бор ерда файз бор» деган боболарнинг нақлими?—  
Нусха олган кўринади Фарғонадан иқлими!

Ери осмон гардишига туташ бўлиб кўринди.  
Меҳнат аҳми дил-дилимга сирдош бўлиб кўринди.



## ЛОЛАДАН СЕП ЁЗИБ КЕЛДИ ГУЛБАҲОР

Минг ноз билан қиш кўрпасин кўтарди,  
Қир қўйнида қўзиқорин кўкарди.  
Ғоз, турналар шимол томон ўтарди,  
Воҳаларда гул товланиб ётарди.  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

Ярқирайди саҳар чўпон юлдузи,  
Ерга зарҳал ҳар гиёҳнинг илдизи.  
Дардга шифо чавқар бия қимизи,  
Яйловларда майса қимтир қўй-қўзи,  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

Тоғ бағрида шўх шалола шовуллар,  
Чўпон йигит ёққан гулхан ловуллар,  
Кўркам либос кийди қишлоқ, овуллар...  
Тракторлар далаларда гувиллар,  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

Чечаклар қоплади анҳор бўйини,  
Дарёда бошланди суқсур ўйини,  
Қирларга чўпон ҳам ёйди қўйини,  
Ҳар ерда кўрамиз меҳнат тўйини,  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

Қўшиқ айтсанг арзир мардлар номига,  
Байт тўқисанг шуҳрат ила шонига,  
Сув югурди учқат, ирғай танига,  
Қушлар уя қўйди тарнов ёнига,  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

Юр далага, пахтазорга Назми қиз,  
Қизиб кетди меҳнат аҳлин базми, қиз,  
Бахтга чорлар гўзал ҳаёт рамзи қиз,  
Бу шаҳодат — етти йиллик азми, қиз!!  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

Эрк-саодат доим бизга ёр бўлсин,  
Замонамиз омон бўлсин, бор бўлсин,  
Етти ботир қатордаги нор бўлсин,  
Босган изи олтин бўлсин, зар бўлсин,  
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор.

## УРГИЛАЙ

(Даврим қаҳрамонларига)

Шунқорлардан сўз очсам,  
Жўша бергим келади,  
Достон устига достон  
Қўша бергим келади.

Зарафшондай мавж уриб,  
Тоша бергим келади.  
Қўшиқ айтиб тоғлардан  
Оша бергим келади.

Янги-янги дўмбира  
Йўна бергим келади.  
Булбул бўлиб, ҳар боққа  
Қўна бергим келади.

Турсуной сенга балли,  
Тутган йўлингга балли.  
Номингни тилга олсам,  
Жоним топар тасалли.

Қамолова Ойим қиз,  
Сўзлари мулойим қиз,  
Довруфингни достону  
Қўшиққа улайми, қиз.

Тоғ келса талқон қилиб,  
Кўкрагин қалқон қилиб,  
Ном чиқарди Саодат  
Чўлни гулистон қилиб.

Мелиқўзи, Назиртош,  
Бири кўзу, бири қош.  
Ҳар иккисининг номи  
Жону дилимга уйқош.

Шунқорлардан сўз очсам,  
Жўша бергим келади.  
Достон устига достон  
Қўша бергим келади.

### КОЛХОЗЧИ ҚИЗГА

Қўлга оққуш қанотин қоқиб тушар,  
Жилға суви баланддан оқиб тушар.  
Бўтакўзим, қилиғинг, қилган ишинг  
Кекса-ёшга бирам-эй ёқиб тушар.

Гул юзингнинг таърифи: олма, анор...  
Қут изингдан қашқари гули унар,  
Қўлингдан бир коса сув ичмоқликнинг  
Дардида минг йигитнинг кўкси ёнар.

Боқиб сира тўймайман келбатингга,  
Арслон кучи чўт эмас қувватингга.  
Ўн беш тонна оқ олтин териб бу куз,  
Тан бердирдинг кўпларни санъатингга.

Боғ оралаб гул узган қўлмасмикан?  
Бу қўшиққа ёш кўнглинг тўлмасмикан?  
Қўлингдан бир даста гул олишликнинг  
Ўргилай, ҳеч чораси бўлмасмикан?

Белга тушган сочингни ўрай дейман,  
Бошингга шоҳи рўмол ўрай дейман,  
Қийса кийим ярашган қоматингни  
Ҳар куни юз қайталаб кўрай дейман.

## ТУРСУНОЙ

(Кўшиқ)

Саратонда соя берган тол бўлсин,  
Қиз юзига ярашгани хол бўлсин.  
Ўз бахтини ишдан топган лочин қиз,  
Йўлинг равшан! Еб-ичганинг бол бўлсин.

Осмон узра балқиб тўдин ой оқар,  
Тоғ бағрида доврўғ солиб сой оқар.  
Эл бахтини ўз бахтим деб билганнинг —  
Ризқи бутун, қозонидан мой оқар.

Меҳмон келса шербоз қўзи сўйилар,  
Ирмоқ суви дарёларга қуйилар.  
Бошлаб берган йўл-йўриғинг Турсуной  
Минг йигитнинг қудратидай туюлар.

Тун, оқшомни нурга пуркаб безар ой,  
Бир кечада еру кўкни кезар ой.  
Журъатингга йигитлар тан бермоқда,  
Чиноз қизи Охунова Турсуной!

### КЎРГАЗМАДА МАҚТАЛГАН

Қизлар кўп хуштор келар  
«Гулбаҳор» навосига.  
Меҳрим тушган ҳу боғнинг  
Тил ёрар чаросига.

Бу боғларни яратган  
Бадавлат колхоз аҳли.  
Меҳнатга ўч эрлари  
Йўлбарс, лочин сиёқли.

Кўргазмада мақталган  
Боғимизнинг меваси.  
Қишлоғимиз ҳуснига  
Келар инсон ҳаваси.

Оқар кўклам ҳайқириб  
Тиниқ сувли арнаси<sup>1</sup>  
Атрофига қўнсам дер  
Қўкнинг эрка турнаси.

---

<sup>1</sup> Арна — катта канал.

**БИР СЌЗ ҚОТДИ-ДА, КЕТДИ...**

Оқ олтин карвон-карвон,  
Шиори алвон-алвон.

Жомакор кийган шунқор  
Ўз касбин севар чандон,  
Ўз касбин севар чандон.

Бу навқирон мард йигит,  
Зап қизга дилбанд йигит,  
Азиз жони меҳрибон  
Юртига пайванд йигит.

Юртига пайванд йигит.

Олма отди-да, кетди,  
Кулиб ўтди-да, кетди.

Тутган гулимни олиб  
Бир сўз қотди-да, кетди,

Бир сўз қотди-да, кетди...

Чечан қизлар қўшиғи —  
Тўй, базм ярашиғи.

Карвонбоши йигитнинг  
Ўзим бўлай ошиғи,

Ўзим бўлай ошиғи.

Оқ олтиннинг пайкали  
Ҳосили баракали.

Шу лочинга аталган  
Қўшиқларим бор ҳали.

Қўшиқларим бор ҳали.



## О Ф А Р И Н

Иўлим тушиб Янгирда қўноқладим бир кеча.  
Чанқоқ эдим — роҳатландим сув ўрнига бол ича.  
Боғларида саф чекибди олма, анор, олича...  
Ниҳол эка жир жирларди бошқирд қизи Хадича.

«Оққуш кўлларда бўла.  
Булбул гулларда бўла.  
Ёшлигингда кимни севсанг  
Кўнглинг ўшанда бўла»...

Ўн беш миллат вакилининг бунда кўрдим ҳимматин,  
Тотувликнинг шарофати, дўстлигимиз қудратин,  
Одамизод меҳнатининг буюк қадр-қимматин,  
Саҳроларга сайқал берган юртимизнинг омадин.

Дўстлар, омон-омон бу,  
Эртақда йўқ замон бу,  
Ёза берсанг мақтовин  
Ҳеч туганмас дoston бу.

Инсон қўли гул дейдилар, гуллигига офарин!  
Яратувчан қудратининг мўллигига офарин!  
Ҳар ишида минг бир маъно тўлигига офарин!  
Шу туфайли жуда баланд қўллигига офарин!

Баҳорда — гул яхшилик.  
Саҳарда — пур яхшилик.  
Қўшиқ тўқиш кезларида  
Улкан шуур — яхшилик.

### ҚҶШИҚЧИ ҚИЗГА

Гулёр айтдинг ўйнаб шўх,  
Садоси боғда қолди.  
Янграган овозингдан  
Булбул ҳам доғда қолди.

Бахтлисан, куйинг авжи  
Ой, юлдузга етолди.  
Гўзал йигит-қизларнинг  
Дилин мафтун етолди.

Қўшиққа ошиқларнинг  
Бахти бор, иқболи бор.  
Санъаткор қиз, куйингнинг  
Жозибаси, боли бор.

Жондан севдинг қўшиқни,  
Сенга толе ёр бўлди,  
Мамлакатнинг то абад  
Наврўзи баҳор бўлди.

### ЙУЛЛАРИГА ҚАРАЙ БЕРИБ...

Тракторчи колхозчининг боласими?  
Кенг пахтазор униб-ўсган даласими?  
Бу кўринган баланд-пастлик тоғми десам,  
Хирмон-хирмон оқ олтиннинг қалъасими?

Ўша йигит мени жондан севиб қолган,  
Элга ёққан иши билан кўнглим олган.  
Шу йил баҳор Кремлга борганида  
Йўлларига қарай бериб кўзим толган.

Ой ўтмасдан дарё бўлиб оқиб келди,  
Қуёш бўлиб кўксимга ўт ёқиб келди.  
Ўз элига, ўз ёрига дилкаш йигит  
Қаҳрамонлик орденини тақиб келди.

Механиклар чекмас кетмон заҳматини,  
Иш бобида кўрсатди ўз санъатини.  
Ҳайбати зўр машинани ишга солиб,  
Олди бутун кўпчиликнинг раҳматини.

Севганимни соғинганда кўрсам дейман,  
Оқ олтинни бирга-бирга терсам дейман.  
Пахтакорлар тўйи куни шу номдорга  
Гулга қўшиб жонимни ҳам берсам дейман

СИНАСАНГ ИШДА СИНА...

Қамаштирар кўзимни  
Арғумоқнинг давири.<sup>1</sup>  
Қўшиқ айтсам тарқайди  
Юрагимнинг ҳовури.

Булбул сайрар чаманда  
Гул ҳидидан маст бўлиб.  
Учар осмонда қушлар  
Баланд бўлиб, паст бўлиб.

Қиз ахтарган бўз йиғит  
Бу колхозда тунама.  
Эр юракли қизларни  
Беҳудага синама.

Синасанг ишда сина  
Чевар қизни деганлар,  
Ўз касбини жонидан  
Севар қизни деганлар.

Бирин номдор теримчи,  
Бирин ҳайдар машина.

---

<sup>1</sup> От устига ёпиладиган ёпув.

Бири-чи, қизмисан — қиз,  
Бири қалам қошгина.

Соҳибқирон йигитнинг  
Пешонаси чўнг келар.  
Меҳнат қилдинг, шон топдинг,  
Жоним, ишинг ўнг келар.

Наҳор таътил қилганман  
Ўр-жона равочини.  
Бизнинг колхоз қизлари —  
Пахтазорнинг лочини.

### ОМОН БЎЛГУР ГАГАРИН

Сомон йўли — «Сут йўли»  
Юлдузларнинг бут йўли.  
Олиб борар Зухрога  
Гагариннинг қут йўли.

Ойга йўл олган йигит,  
Бугун-мас кеча келди.  
Омон бўлгур Гагарин  
Кўк сирин оча келди.

Учиб ўтган йўлининг  
Поёни йўқ, сўнгги йўқ.  
Бу жаҳонда ўхшови,  
Бу жаҳонда тенги йўқ.

---

Ҳикоятлар оша,  
Даралар оша...

---







## ДУМБИРАМ

Водийларни яёв кезганда  
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

*Ҳамид Олимжон.*

Бу кун ота юртим тупроғидаман,  
Униб-ўсган шаҳрим қучоғидаман,  
Қадимий маърифат ўчоғидаман,  
Мезбонлар йўқлови — сўроғидаман,  
Тоғ ошар бахшининг<sup>1</sup> синоғидаман...

Худди тошганидай дарёи азим,  
Бу кун қўшиқ айтиб куйламоқ лозим!

Тиринг-тиринг дўмбирам,  
Сўйла синринг, дўмбирам.  
Сенсиз сўз қуролмайман,  
Кўрмасам туropolмайман.  
Қўшиғимнинг қўри бўл,  
Юрагимнинг жўри бўл.  
Чечану, ноёб қизлар,  
Ойсанам, Офтоб қизлар,  
Толиб, Бекжон, Комиллар...  
Уз ишига омиллар.  
Торни сайратгин, дейди,  
Дилни яйратгин, дейди.  
Қамонга ўхшайди кўкнинг гардиши,

---

<sup>1</sup> Равотлик Тоғ ошар шоир.

Ёрда қолмас, дерлар, кўпнинг олқиши.  
Муродга етади эл суйган киши,  
Қўшиқ яралгани — юрак балқиши.

- Тоғларда нима кўп?
- Довон кўп, қир кўп.
- Бағрида нима кўп?
- Хазина — сир кўп.
- Қуёшда нима кўп?
- Еруғлик-нур кўп.
- Бахшида нима кўп?
- Тугамас жир кўп.

Жонимга туташдир меҳринг дўмбирам,  
Булбулни маст қилар сеҳринг, дўмбирам.  
Буюк тоғлар кўкка бош урар, тўғри,  
Чўққисига лочин тўш урар, тўғри.  
Дарё сувин баҳор тоширар, тўғри,  
Инсон қадрин меҳнат оширар, тўғри.  
Қайлигим сўзимга унаса эди,  
Мен билан далада тунаса эди,  
Меҳнат, садоқатда синаса эди,  
Севиб, севилишни тан олса эди...  
Деб шоир ташлаган жўмард эрларнинг,  
Меҳри она юртга пайванд эрларнинг,  
Гулхандай қизитгин базмин, дўмбирам!  
Гоҳо шўх бўл, гоҳо вазмин дўмбирам!

Ов сирини билмасанг,  
Тутқич бермас суралай  
Тўрғайдай бўзламасанг,  
Ранжир кўзи қуралай.

Гурунг қизиқ келди, шай бўл дўмбирам!  
Турли-туман куйга бой бўл дўмбирам!  
Замоннинг мусаллас-бўза, болини,  
Хумор кўзликларнинг юзда холини,  
Жиззахнинг чинор, тут, мажнунтолини,  
Пахтакор элимнинг бахт-иқболини,

Ё Бахмал кўшқларин кўркам бўйини,  
Ё чори, исори, панжи қўйини,  
Ё Равот даштининг чопқир тойини,  
Ё Сангзор қишлоқнинг булоқ сойини,  
Ё Каттақўрғоннинг ширмой нонини,  
Ё Норпой буғдойи, Қўйтош конини...  
Неки бор бу элда, жами-жамининг  
Таърифин, бирма-бир айт, жон дўмбирам,  
Куй сендан, мандан-чи байт, жон дўмбирам.

Йўртоқ минмай йўрға минган  
Қорли тоғлардан ошгай.  
Бир ёқадан бош чиқарган  
Камол топиб курашгай.  
Зарафшоннинг сувин ичиб  
Қирғоғида тунасанг,  
Чаллиб-чаллиб белдан кечиб,  
Қумлоғида тин олсанг,  
Инон дўстим, дафтарингда  
Улан, қўшиқ қалашгай.  
Сўнг созингни қўлга олиб  
Тириглатсанг ярашгай!

Дара деб аталар тоғлар ораси,  
Тўқайни титратар шернинг наъраси,  
Еганда тил ёрар Фориш чароси.  
Бу ерда қолмоқнинг йўқми чораси?!

Новқанинг неси бор?— Тўқай, дашти бор.  
Кулон, арқарларин юз хил пушти бор.  
Қарсак олувчисин омад, шашти бор.  
Бу ерда кезмоқнинг ажиб гашти бор.  
Сайр этмоқ истасанг, гул сайлида кел!  
Ё савр, ҳамалда, май ойида кел!

Гирдобларда чарх уриб,  
Тоғдан келар муздай сув.  
Тиниқлиги, шўхлиги  
Серкокилли қиздай сув!

Нурота тоғлари қорлар макони,  
Кўкжор бўзалами равочнинг кони.  
Оқтош, Алдашмонга саратонда кел,  
Еки пўстин кийиб қаҳратонда кел!  
Чашма, ирмоқлари — жонон кўзгуси  
Кўкида ёз бўйи турна «қий-қуси».  
Шу ерда қизларнинг сўлим, эзгуси,  
Еқтирса хаёлинг мафтун этгуси...  
«Оқтов» қимизидан тўйғунингча ич!  
Ўзинг бошлаб, ўзинг қўйғунингча ич!

Қимиз тутди бўтакўз,  
Қониб-қониб симирай.  
Айрон тутса «қуллуқ» деб,  
Гул-гул ёниб симирай.  
Қамтар, камсухан қизнинг  
Қўли қайтмасин созим.  
Тоғ малагисиз ичиб,  
Зерикарман бир ўзим.

Қорақишлоқ кўпдан меҳримни тортар,  
Ҳавоси, сувига ҳавасим ортар.  
Шу юртда бир қиз бор кўксимни ўртар,  
Ҳар куни саломим тонг ели элтар:

«Ёр, кўчангдан ўтканимда  
Гул кўтариб, ҳам йўталиб,  
Гулгун ёниб, йўлларимга  
Чиққил укангни кўтариб».

Меҳнаткаш қизлари саодатга ёр,  
Заҳматкаш эрлари мақтагунча бор:

Бу қавм қайин юртим,  
Қўноғим тайин юртим!  
Қирқ кокилли қизларининг

Жамолига тўймайман,  
Қатта бўлса янгамсиз деб  
Шўҳлигимни қўймайман...  
Бизнинг қайлиқ «пучуқ» қиз,  
Тили бир оз чучук қиз.  
Ўз уйида она қиз,  
«Биров» га парвона қиз...

Дара, увалари, яйлов қўриғи,  
Жўмард чўпонларин тутган йўриғи,  
Қорабайрларин санам, тўриғи,  
Ейилма буғдойи, Ургут ўриғи,  
Қўйларин тивити, товусин пати,  
Юз рангда тўқилган гилам, зулфати,  
(Чеварларин бирам таърифи зўрки.)  
Ҳаммаси-ҳаммаси бу элнинг кўрки!  
Донғи Доғистонга кетган шаҳарим,  
Таърифи қуёшга етган шаҳарим!

Самарқанд, суқсурлар маконимисан?  
Ё қўшиқ ўлкаси, ё конимисан?  
Ё шоир ғазали, ё жонимисан?  
Ё куйчи дармони-достонимисан?

Не сабаб, бағрингга чорлайсан мени?  
Ҳарқалай ғазалхон борлайсан мени!

Бу сирни ўзингдан сўрай деб келдим,  
Не десанг мен шунга унай деб келдим,  
Жаҳонга таниғлик қадимий шаҳрим!  
Сени тилга олсам очилар баҳрим.  
Муқаддас тузини оқла, дўмбирам!  
Фозиллар услубин сақла, дўмбирам!

## ТОҒ ҚИЗЛАРИ

Ишим бордир ўша оҳуда...

Ҳ. Олимжон.

Поччамизни бу кеча базмда синаймиз деб,  
Алёр-алёр айтишиб, назмда синаймиз деб,  
Қайин юртим қизлари мени кўрмоқ истабди.  
Бу ишга бош бўлинг деб янгажонни қистабди.  
Ҳар қизларки, бўй-басти жон олиб, жон бергудай,  
Имо қилсам, авзойи одоб сақлаб тургудай,  
Сездим қизлар жазмини: ажиб базм қилгудай,  
Урни келса шўхи ҳам менга таъзим қилгудай,  
Садқа бўлсин жон майли бири эмас барига.  
Фақат айтар сўзим бор чанқовузи<sup>1</sup> бориға...

Мен ҳам қўлда созимни

Чала олсам кошкийди.

Салобати босмасдан

Қола олсам кошкийди.

Қизитмоқ-чун даврани Сайди билан Санобар  
Бири тушиб ўйинга, бири чалди «Тановар»  
Ҳаё билан Ойқиз ҳам тол чивикдай буралар,  
Даричадан қай биров «Бир кўрсак» деб мўралар.  
Товус янглиғ товланиб чиқди Қумри ўртага.  
Бирпас турди «Жонон»ни билмайман деб  
жўрттага.

Ақлим шошди, ёпирай, бу қизларнинг шўхлигин!  
Дўстим, сен ҳам кўрсайдинг бир-бирдан  
кўҳлигин!

<sup>1</sup> Чолғу асбоби.

Рақс тинди, афтидан, айтишмоққа гал келди.  
Ял-ял ёнган қирмизи шокосада бол келди.  
Сарви қомат янгажон, яъни қора қош келди.

Бир қўлида гулдаста, бир қўлида ош келди.  
Садағаси кетсанг оз: яхши ишга бош келди.  
Сўзга бийрон Жамила бошлаб берди «Алёр»ни  
Бўш келманг сиз ҳам дея бизнинг юзи холдорни:

— Маърай-маърай қир ошган қўша-қўша  
қўймикин?

Бўктаргининг макони увамикин, ўймикин?  
Эзгуликнинг кечи йўқ деганлари тўймикин?  
Почча, сизни ром этган ўша моҳи рўймикин?  
Жом тагида қолдирманг алёр-алёр, ўдаға<sup>1</sup>

— Чилвир-чилвир сочингиз тарам-тарам, жон  
қизлар,

Ширин-ширин сўзингиз жонга ором, жон қизлар  
Жомингизни олмасдан йўқдир чорам, жон қизлар.  
Қўлларимни толдирманг жоним сизга садаға.

— Уруғ-аймоқ ардоқлар қатордаги норини,  
Эр йигитлар улуғлар жондан суйган ёрини,  
Ишга солинг бармоқда дўмбирангиз торини,  
Дилингизда неки бор тўкиб солинг барини,  
Тўпланганмиз бу кеча «алёр-алёр» айтгани.

Саратонда ярқирар қорли тоғлар қояси.  
Жон роҳати мезонда қўйчинорнинг сояси.  
Кўзларимга тўтиё кўзларингиз зиёси.  
«Бировлар»га тегишли сўзларингиз қиёси.

Ой ҳам ботиб боради, рухсат бериң қайтгани.  
— Сўфитўрғай чарх уриб қўнса кўздан йироққа,  
Чевар қизлар аксини туширолмас қуроққа.  
Сизни чечан дейдилар, сайқал беринг туроққа.  
Тарқалмасин базмимиз, алёр-алёр тонггача.

---

<sup>1</sup> Мажлиснинг каттаси.

— Сайқал берсам, сайқал берай  
Юзи сутдек оқ қизлар.

Ҳайдар кокил, сунбул сочли,

Сарви қомат пок қизлар.

Суйганига олма отган

Қошлари бароқ қизлар.

Ишқ куйида куйиб ёнган

Ёки кўнгли тўқ қизлар.

Шунқорини бир кўрмоқдан

Бошқа гами йўқ қизлар.

Сўз-ваъдаси ёлгонларга

Ҳар киприги ўқ қизлар.

— Ноз, қилиғи пок қиз, деманг

Уяламиз-ей.

Қўлдан тушар шарбат тўла

Пиёламиз-ей.

Гар тўкилса, қайта бошдан

Қуёламиз-ей,

Шарбат, болни сиздан қандай

Қиёламиз-ей.

— Гўзал қизлар, таърифингиз

Ардоқлагум бир умр.

Бўлса пайри-пайкарингиз

Сир сақлагум бир умр.

Берган қутлуғ тузингизни

Ҳам оқлагум бир умр.

Номингизни қайда бўлмай,

Марсми ёки ойда бўлмай,

Субҳи содиқ елларидан

Сўроқлагум бир умр.

Тоғ қизлари малоҳатин

Нишонаси — бу.

Каминани бир кўрмоқлик

Баҳонаси — бу.



Расми-русми олижаноб  
Шаҳонаси — бу.  
Садоқати бир-ла аҳду  
Паймонаси — бу.

### ЧҶУПОН ИГИТГА

Улкан тоққа ҳусн берган қор, айланай,  
Чиллада маст бўлади нор, айланай.  
Бизникига бир кеча қўниб ўтсанг,  
Бир-икки оғиз сўзим бор, айланай.

Қўра-қўра қўйларинг иркиллайди,  
Қўзилари кетидан диркиллайди.  
Йўлбарсдай наъра тортиб «Қур-ей!» десанг,  
Тоғ-тош ларзага келиб зирқиллайди.

Тўбилғидан таёғинг эгилмайди,  
Сиртлонинг-чи, бўридан чекинмайди.  
Ол, десанг, Ола тоғдан ҳам ошириб  
Қувлайди, катагига бекинмайди.

Азалдан сирдошинг чашма, булоқлар,  
Қошингда тиз чўкар бўз қарқиноқлар.  
Тоғ, дара ичида адашган сайёҳ  
Сени пана тутиб, сенда қўноқлар.

Келиннинг оёғидан деган гап бор,  
Чўпоннинг таёғидан деган гап бор.  
Қўйларни туллатишда ҳар йилгидек  
Бу йил ҳам ўрнак бўлдинг, жоним Гаффор.

Қулоқ солсанг, дўмбирам чалиб берай,  
Байт айтиб, чойга новвот солиб берай.  
Сени севган бир қизнинг совғаси бор,  
Суюнчини бер, ёнимдан олиб берай.

### К Е Л Д И К.

Қир равочи, олғиси<sup>1</sup>  
Бир-бирдан мазали.  
Тўй, базми қизитган  
Шоирларнинг ғазали.

Қирда ўтов тузатган  
Чўпон, бизни кутиб ол.  
Байт тўқиймиз, ҳам ғазал  
Кўкайингга<sup>2</sup> битиб ол.

Тоғ ҳавосин гаштини  
Сен-ла сургали келдик.  
Дурдонā қизлар билан  
Бўйинг кўргали келдик.

Қиш ғамини ёзда еб,  
Пичан ўргали келдик.  
Оқшомлар гулхан ёқиб,  
Давра қургали келдик.  
Сен кечган дарёлардан  
Биз ҳам кечгали келдик.

---

<sup>1</sup> О л ғ и — доривор - гиёҳ.

<sup>2</sup> К ў к а й — дил.

Бу кечәси қўлингдан  
Қимиз ичғали келдик.

Эр қилиқли қизларга  
Тўйғунича қуйиб бер.  
Кўзга босганинг бўлса,  
Алёр айтиб, суйиб бер.

Жоним берсанг жўн берма.  
Сўзни сўзга қураб бер.  
«Эзгуликнинг кечи йўқ.» —  
Деб муҳлатин сўраб бер.

Минг бошдан оширибсан  
Колхозингнинг қўйини.  
Шу туфайли банд этдинг  
Бу гўянгданг<sup>1</sup> ўйини.

---

<sup>1</sup> Қўшиқчи.

## ЕРГА АЙТАР АРЗИМ БОР

Сафарга чиққан йигит,  
Паҳлавон, деҳқон йигит,  
Бўз ерларни боғ қилиб,  
Қўш нишон таққан йигит!

Гул лоладай тарзим бор,  
Ердан рўмол қарзим бор,  
Қулоқ солинг сўзимга,  
Унга айтар арзим бор.

Қўлдан учар ўрдак, ғоз.  
Қалби бўлса баҳор, ёз..  
Бир келиб кетмайдими,  
Инсоф қилсин-да бир оз.

Йўлида икки кўзим,  
Жонига берсин тўзим.  
Мени олиб кетмаса,  
Зерикаман бир ўзим.

Эл қатори бахтим бор,  
Лола янглиғ сахтим<sup>1</sup> бор.  
Мен ҳам эл қаҳрамони  
Бўлай деган аҳдим бор.


---

<sup>1</sup> Юзим.

---

Халқ  
құшиқларидан...

---







### УЛУҒ ПАРТИЯМ

Шодлигимдан еру кўкни қучай дейман,  
Қанот боғлаб Москвага учай дейман,  
Фурсат ўтмай қучоғига тушай дейман,  
Менга қанот берган улуғ партиям.

Билмагани сўраб, дўстлар, билган яхши,  
Умрим узоқ бўлсин десанг, кулган яхши,  
Бўлар ишни ўз вақтида қилган яхши,  
Бизга ҳаёт берган улуғ партиям.

Қиш тушганда қишлоқларда сайил бўлар,  
Қиз-йигитлар бир-бирига мойил бўлар,  
Ҳар ким халқнинг ҳимматига қойил бўлар,  
Яхши йўлга йўллаб келган партиям.

Чопқир ғунон той тулпордан қолишмайди,  
Эр тилагин зар, тиллага алишмайди,  
Қунларимиз ой ва йилдан қолишмайди,  
Бизни доим қўллаб келган партиям.

Бу кўринган тоғлар, айтинг, қандай тоғлар?  
Қолхозчилар ўйнаб-ўсган боғу роғлар.  
Саҳроларда қад кўтарган зап қишлоқлар...  
Мўъжизаларни яратган партиям.

Кўзимни кўзгуда кўрсам қора экан,  
Улкан тоққа чирой берган дара экан,  
Партиянинг ҳар бир сўзи сара экан,  
Еру кўкка нур таратган партиям.

### ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Етти йиллик — улуг етти карвон бўлди,  
Янада йўл-йўриғимиз равон бўлди.  
Янги йилнинг янги ойи келди қутлуг,  
Ракетамиз олам бўйлаб дoston бўлди.

Битадиган иш бошига яхши келар,  
Тўй бўлганда тўй бошига бахши келар.  
Тонг шамоли юзларимни силаб дейди:  
— Эртанги кун бугунгидан яхши келар.

Қизғалдоқнинг унар жойи қия, адир,  
Бизда ҳар ким ўз ишига уста қодир.  
Эл айтгандай етти йилнинг ҳар бир йили  
Шоҳи белбоғ боғлаб турган бир баҳодир.

Қўлга тушган фермамизнинг ғози экан,  
Тоғ яратган чўпонларнинг сoзи экан.  
Коммунизм асримизнинг хабарчиси,  
Энди билсам Бухоронинг гази экан.

Тўқли, қўзи бир йилдан сўнг қўй бўлгандай,  
Йигитларнинг ярашиғи бўй бўлгандай.  
Қачон кўрсанг СССРда ёзин-қишин  
Ҳар бир колхоз қишлоғида тўй бўлгандай.

Пахтакорлар бирам мамнун ўз ишидан,  
Партиямиз янги режа тузишидан.  
Юзга кирган оналар ҳам, кекса чоллар  
Фахрланиб сўзлашади турмушидан:

— Бу давлатни бизга Ленин қуриб берган,  
Дарёларнинг жиловини буриб берган.  
Бахт излаган мазлумларга йўл кўрсатиб,  
Нур йўлидан ўзи бошлаб юриб берган.

Мамлакатим мамлакатлар гўзалидир,  
Тинчлик сўзи шоирларнинг ғазалидир.  
Етти йиллик планимиз ҳар бандини  
Ёзаберсам бир-биридан мазмунлидир.

## ПАХТАКОРЛАР ҚҰШИҒИ

(Ҳашарчиларга)

Қўпдан қуён қочиб ҳам қутуларми?  
Чечан қизлар сўзида тутиларми?  
Меҳнатда кўзин очган колхозчининг  
Пайкалига қайрилмай ўтиларми?

Қўшиқ айтиб келаман қир ёқалаб,  
Гул-чечаклар тераман Сир ёқалаб.  
Тер тўкиб етиштирган олтинимиз  
Туради чаноғида бизга қараб.

Кўзимни қамаштирар қир лоласи,  
Дилга ёқар тоғларнинг шалоласи,  
Қолмайди, еримизда, ҳеч қолмайди,  
Гавҳарга тенг пахтанинг бир толаси!

Ихлос қўйиб ганж ўйдим тош устига,  
Ҳашарчилар, келсангиз бош устига.  
Яхши ният йўлида сафар қилган —  
Қадамингиз бу қаламқош устига.

Элига содиқ киши яшаради,  
Ишласа, иш унумин оширади.  
Неча-неча ҳашарчи қиз-йигитлар  
Теримда бир-бирини шоширади.

Қизлар сунбул кокиллик бўлсак, дейди,  
Ун тўрт кунлик ойдаин тўлсак, дейди.  
Шаҳардан келган қизлар пахтакорнинг  
Уйда келин бўлиб қолсак, дейди.

Ҳозирча мўл ҳосилни кўзлаймиз, дер,  
Белгиланган нормадан сўзлаймиз, дер,  
Бошланса элимизда шодиёна,  
Қўшиғу ёр-ёр айтиб куйлаймиз, дер.

Даврада кўп ярашар савлатингиз,  
Яхшилар, қаҳрамонлик кўрсатдингиз.  
Довондан ошиб кетдик, марра яқин,  
Мунча ҳам баланд экан ҳимматингиз.

## ЮРАГИМНИНГ ТҮРИДА

(Тўқувчи қизга)

Симёғочда қалдирғоч,  
Қанотида хати бор.  
Фабрика қизларининг  
Юрагида ўти бор.

Булбул сайрайди қайда?  
Бирам овози яхши.  
Тўқувчи қизнинг ласга  
Берган пардози яхши.

Оқ олтинни куз пайти  
Машинада терганмиз.  
Мато бўлиб қайтсин деб,  
Фабрикага берганмиз.

Сен тўқиган рўмолнинг  
Ойи борга ўхшайди.  
Сени кўрсам дилимни  
Терма, қўшиқ қуршайди.

Қатор-қатор турналар  
Кезар чўлнинг ўрида.  
Сенга лойиқ совғам бор  
Юрагимнинг тўрида.

## Е Р-Е Р

Қуёш нури бинафша,  
Тонг отибди, ёр-ёр,  
тонг отибди.

Еллар мени эркалаб  
Уйғотибди, ёр-ёр,  
уйғотибди.

Тракторчи йигитнинг  
Кўзи сузук, ёр-ёр,  
кўзи сузук.

Тортиқ қилган у менга  
Тилла узук, ёр-ёр,  
тилла узук.

Пахтазорни оралаб  
Ишлашамиз, ёр-ёр,  
ишлашамиз,

Ёр-ёр айтиб кўнгилни  
Хушлашамиз, ёр-ёр,  
хушлашамиз.

Дил билан қўл букунда  
Ҳамкор бўлди, ёр-ёр,  
ҳамкор бўлди,

Мажбуриятдан ошириб  
План тўлди, ёр-ёр,  
план тўлди.



Яхши ният, аҳдимиз,  
Ўйимиз бор, ёр-ёр,  
                        ўйимиз бор.

Пахта байрами кун  
Тўйимиз бор, ёр-ёр,  
                        тўйимиз бор.

## ЭРТАҚДА ТОПИЛМАС БУ КУНЛАР

(Мамат бахшидан)

Мамат бахши қирқдан ошиб боради,  
Кун сайин дарёдай тошиб боради.  
Яхшилик бор ерга дўмбирасини  
Булбулдай сайратиб шошиб боради,  
Термани дostonга қўшиб боради.

Бу замонда бахт менга ёр бўлди,  
Қаерда тўй бўлса ўрним бор бўлди.  
Ризқили, бадавлат колхозчиларнинг  
Қийгани кимхобдан ёки зар бўлди,  
Ҳар тола пахтаси олтин, пар бўлди.

Юзимизни оқ қилолди машина,  
Оқ олтиндан тоғ қилолди машина.  
Юзта фил бас келмас қилган ишига,  
Ишончимиз оқлай олди машина,  
Шухратини сақлай олди машина.

Қўлдан учган суқсур десам, ғоз экан,  
Кўкда сузган турна десам боз<sup>1</sup> экан.  
Ҳарорати қуёшча бор дегани  
Тутуни, қули йўқ яшил газ экан,  
Палов пиширмоққа жуда соз экан.

---

<sup>1</sup> Боз — лочин.

Осмон сирин билди одамзод ақли,  
Бидъат, хурофотнинг йўқ бунга дахли.  
Дулдул нима, турганида «Ту», «Ил» лар,  
Ракетамиз Чўлпон юлдуз сиёқли,  
Эртақда йўқ бу ҳол десам мен ҳақли.

Ҳидоят ўғли дер келганда кези:  
Дилимга жо партиямиз ҳар сўзи.  
Донмо шиори тинчлик, омонлик..  
Ун беш улкан юртга йўлбошчи ўзи,  
Юз йилни олдиндан кўради кўзи.

### ИСТАР КҰНГИЛ...

Қарчиғайдай кўним билмай,  
Еш боладай тиним билмай,  
Ойга учмоқ истар кўнгил,  
Кўкни кучмоқ истар кўнгил.

Сочим оқлиги қор каби,  
Важоҳатим чинор каби,  
Кўксим мудом баҳор каби,  
Юзга кирмоқ истар кўнгил.

Усма кетар ювса қошдан,  
Нажот кутма бағри тошдан.  
Навқирон эр — кўнгли ёшдан  
Қолишмаслик истар кўнгил.

Иш битарми шошган билан,  
Телба сойдаи тошган билан.  
Ёшим қирқдан ошган билан,  
Йигитлигин қўмсар кўнгил.

Бахшиларнинг овозида,  
Ҳикматли терма, сўзида,  
Мағриб, машриқ — ер юзида  
Тотувликни истар кўнгил.

### ЮРТИМИЗНИ ҚУРИҚЛАР...

Қарчиғайнинг ҳавоси  
Теккан жийрон тек турмас.  
Қўли очиқ боғбоннинг  
Дарвозаси берк турмас.

Дўст тутинган халқларнинг  
Иноқлиги, тотуви —  
Тун ўрнини қоплаган  
Файзли тонгнинг отуви.

Қир — беткайдан терганим  
Тоғ бодом, пистамас.  
Бу замонда ҳеч киши  
Қон тўкишни истамас.

Бойўғлига мучалдош  
Қабоҳат кунни қўмсар.  
Шамъи шабистон туриб  
Зимистон тунни қўмсар.

Қўл тегмаган тўпичоқ  
Қўкка сапчир қулондай,  
Ғанимларнинг нусхаси —  
Туси совуқ илондай.

Бизга кўз тикканларнинг  
Бўлмас юзи хотири.  
Юртимизни қўриқлар  
Йигитларнинг ботири.

Ифлос, қонхўр илашмас  
Ботирларнинг барига.  
Илашса ҳам даф бўлар  
Қора ернинг қаърига.

Бўзга битган буғдойлар  
Қабайимас<sup>1</sup> баҳоси.  
Бахтли турмуш, тинч ҳаёт —  
Замзамамнинг<sup>2</sup> оҳори.

---

<sup>1</sup> Буғдойнинг бир тури

<sup>2</sup> Ашула.

## МУНДАРИЖА

### ҚЎШИҚ ИЗЛАБ

|   |    |
|---|----|
| Тошкент . . . . .                         | 7  |
| Қўшиқ излаб . . . . .                     | 9  |
| Доладан сеп ёзиб келди гулбаҳор . . . . . | 11 |
| Ургилай . . . . .                         | 13 |
| Колхозчи қизга . . . . .                  | 14 |
| Турсуной . . . . .                        | 15 |
| Кўрғазмада мақталган . . . . .            | 16 |
| Бир сўз қотди-да, кетди . . . . .         | 17 |
| Офарин . . . . .                          | 18 |
| Қўшиқчи қизга . . . . .                   | 19 |
| Йўлларига қарай бериб . . . . .           | 20 |
| Синасанг ишда сина . . . . .              | 20 |
| Омон бўлгур Гагарин . . . . .             | 22 |

### ТОҒЛАР ОША, ДАРАЛАР ОША

|                                |    |
|--------------------------------|----|
| Дўмбирам . . . . .             | 25 |
| Тоғ қизлари (Алёр) . . . . .   | 30 |
| Чўпон йигитга . . . . .        | 34 |
| Келдик . . . . .               | 36 |
| Ёрга айтар арзим бор . . . . . | 38 |

### ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДАН

|                                      |    |
|--------------------------------------|----|
| Улуғ партиям . . . . .               | 41 |
| Етти баҳодир ҳақида қўшиқ . . . . .  | 43 |
| Пахтакорлар қўшиғи . . . . .         | 45 |
| Юрагимнинг тўрида . . . . .          | 47 |
| Ёр-ёр . . . . .                      | 48 |
| Эртақда тошилмас бу кунлар . . . . . | 50 |
| Истар кўнгил . . . . .               | 52 |
| Юртимизни қўриқлар . . . . .         | 53 |

*На узбекском языке*

*Тура Сулайманов*

ЖЕЛАНИЕ СЕРДЦА

*Стихи*

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1962*

Редактор *Т. Имомхўжаев*

Рассом *В. Будаев*

Расмлар редактори *Г. Бедарез*

Техн. редактор *В. Шуклинова*

Корректорлар: *Н. Аҳорова* ва *М. Юсупова.*

\* \* \*

Босмахонага берилди 5/1-1962 й. Босишга рухсат этилди 13/11—1962 й. Формати 70×901/32. Босма л. 1, 75 Шартли босма л. 2,04. Нашр л. 1,59 Индекс б/а. Р 05275. Тиражи 5000. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 209—61.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахо-  
наси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1962 й. Заказ № 17.  
Баҳоси 10 т.